



ЎАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ АЙРИМ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юсупов Нодирбек Омонович

Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси, мустақил изланувчи

yunusovtimur160@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7931900>

ARTICLE INFO

Received: 03rd May 2023

Accepted: 11th May 2023

Online: 12th May 2023

KEY WORDS

Хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, ҳарбий хизмат тури, дезертирлик, альтернатив жазо, рағбатлантирувчи норма, фавқулодда ҳолат шароити, қоровул хизмати, жанговар вазият.

ABSTRACT

Мақолада ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тизимидаги айрим нормаларни такомиллаштириш ва қонунчиликдаги пробелларни тўлдириш, миллий қонунчиликка ҳориж мамлакатлари тажрибасини татбиқ этиш тўғрисида сўз юритилади.

КИРИШ

Мудофаа тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, Қуролли Кучларнинг устувор вазифаси мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, давлат суверенитети, миллий манфаатлари, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаётини ташқи ва ички агрессиядан ҳимоя қилишдан иборат [1]. Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг устувор мақсадларидан бири [2]. Кўзланган мақсадларга қонунийликни таъминламай туриб эришишнинг имкони йўқ. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқий, шу жумладан жиноий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириб боришни талаб қилади. Шу билан бирга, мазкур вазифаларни уларни амалга оширишга оид аниқ механизмларсиз бажариб бўлмайди. Амалга ошириш механизмлари эса шу соҳадаги ижтимоий муносабатларни жиноий-ҳуқуқий қўриқлаш самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Биз куйида амалдаги ЖКнинг айрим нормаларини олимларнинг фикрлари, шунингдек, бир қатор ҳорижий мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш нуқтаи-назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таҳлилларимиз ЖК XXII боб (Ҳарбий хизматни ўташнинг умумий тартибига қарши жиноятлар гуруҳи)га оид. Умумий маънода, мазкур боб амалиётда тўғри



қўлланиб келинмоқда ва жиддий камчиликлардан ҳоли. Шу билан бирга, назаримизда, баъзи нормаларни такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд. Чунончи:

1. ЖК 287-моддаси биринчи қисмида муддатли ҳарбий хизматчининг ҳарбий қисм ёки хизмат жойини бир кеча-кундуздан ортиқ, лекин ўн кеча-кундуздан кўп бўлмаган муддат давомида ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлиги учун, иккинчи қисмида эса контракт асосидаги ҳарбий хизматчининг белгиланган муддатдан ўн кеча-кундуздан ортиқ, лекин бир ойдан кўп бўлмаган муддат давомида қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Назаримизда, модда биринчи ва иккинчи қисмларини ишлаб чиқиш (қабул қилиш)да муддатли ҳарбий хизмат Конституциянинг 52-моддасига мувофиқ, фуқаровий бурч ҳисобланиши, шартнома асосида ҳарбий хизмат эса фуқаро томонидан ихтиёрий равишда касб сифатида танланишини инобатга олинган. Бизнингча, қилмишни ҳарбий хизматнинг туридан келиб чиқиб баҳолаш тўғри бўлмайди ва улар учун қонун талаблари бир хилда қўлланилиши зарур. Соҳа юзасидан илмий изланиш олиб борган бир қатор олимлар, чунончи, М. А. Кудинов, Ю. И. Антонов, Н. Е. Степаненко, В. С. Лускан ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетганликни ҳарбий хизмат турига кўра турлича квалификацияловчи нормаларга барҳам бериш лозим деб ҳисоблайдилар [3]. Масалан, Қозоғистон ЖК 441-моддаси биринчи қисмига кўра, қисм ёки хизмат жойини бир ойга қадар ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлик учун жавобгарлик ҳарбий хизматнинг туридан қатъи назар бир хил жавобгарликка сабаб бўлади [4]. Грузия ЖК 388-моддасига мувофиқ, ушбу таркиб учун жавобгарликка тортишда ҳарбий хизматнинг тури аҳамиятга эга эмас [5]. Суд амалиёти нуқтаъи назаридан ҳам ЖК 287-модда 1-қисмини сақлаб қолишга эҳтиёж юқори эмас. 2016-2022 йиллар давомида республика ҳарбий судлари томонидан фақатгина 2019 йилда ЖК 287-модда 1-қисми билан 1 та жиноят иши қўрилган ва шахс ЖК 72-моддаси тартибида жазодан озод этилган (*Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди маълумотномаси, ЖХУ кир.: 3789, 16.06.2022 й.*). Бундай қилмишни содир этган муддатли ҳарбий хизматчи албатта жиноий жазо йўли билан тарбияланиши шарт эмас, қонунчиликда командир (бошлиқ)ларга етарлича интизомий ёхуд бошқа турдаги таъсир чораларини қўллаш ваколати берилган. Қолаверса, бу мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти катта бўлмаган жиноятларни босқичма-босқич жиноий юрисдикциядан чиқаришга оид жиноий-ҳуқуқий сиёсатига ҳам мувофиқ келади [6]. Шу боис ЖК 287-моддасидаги жавобгарлик доираси ҳарбий хизмат турига кўра фарқланмаслиги лозим деб ҳисоблаймиз. Шундай қилиб, ЖК 287-моддаси бизнингча қуйидагича кўриниш касб этиши лозим:

“287-модда. Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш

Ҳарбий хизматчининг қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, шунингдек узрли сабабларсиз белгиланган муддатдан ўн кеча-кундуздан ортиқ, лекин бир ойдан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойига етиб келмаслиги —

бир йилгача интизомий қисмга жўнатиш ёки икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Ҳарбий хизматчининг узрли сабабларсиз бир ойдан ортиқ вақт ичида хизматга етиб келмаслиги —

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда ёки фавқулодда ҳолат шароитида содир этилган бўлса [7], муддатидан қатъи назар, — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”

2. Дезертирлик (ЖК 288-моддаси) ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш (ЖК 287-моддаси)дан фарқли равишда ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлашда ифодаланади. Юқорида таъкидланганидек, ЖКнинг 288-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларидаги қилмишни ҳарбий хизматчиларнинг тоифасига кўра малакалаш ва турлича жазо тайинлашга барҳам берилиши лозим. Ҳориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бир қатор МДҲ мамлакатлари жиноят қонунчилигида дезертирлик учун жавобгарлик ҳарбий хизматнинг туридан қатъий назар келиб чиқишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан, Украина ЖК 408-моддаси [8], Молдова ЖК 371-моддаси [9], Грузия ЖК 389-моддаси, Беларусия ЖК 446-моддаси [10], Озарбайжон ЖК 334-моддаси [11], Қозоғистон ЖК 442-моддаси, Россия Федерацияси ЖК 338-моддаси [12], Арманистон ЖК 362-моддасида [13] дезертирлик учун жавобгарлик тартибда ҳарбий хизматнинг тури ва ҳарбий хизматчининг тоифаси (оддий аскар, сержант ёки офицерлар таркибидан эканлиги) зарурий белги ҳисобланмайди. Шунингдек, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон (ЖК 375-модда [14]), Арманистон қонунчилигига мувофиқ, дезертирликни қурол билан ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан ўзаро олдиндан тил бириктириб содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса, Молдова, Озарбайжон, Беларусия, Тожикистон, Арманистон ЖКда уруш ҳолати ёки жанговар вазиятда содир этганлик учун оғирроқ жазо белгиланган. Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Арманистон ЖКда дезертирлик биринчи марта содир этилганида ва оғир шароит (оғир касаллик, яқин қариндошнинг вафоти ёки бошқа оилавий сабаблар, шунингдек, ҳарбий хизматчига нисбатан низомга зид ҳатти-ҳаракат кабиларда ифодаланадиган шахсий ва хизматга оид вазият) туфайли келиб чиққан тақдирда жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи нормалар мавжуд. Ҳориж давлатлари қонунчилигининг ижобий жиҳатларидан ҳамда жиноят қонунчилигининг ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан янада инсонпарварлигини таъминлашга оид мақсадга эришиш учун модда рағбатлантирувчи норма билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ [15]. Шунингдек, модда санкциясида озодликдан маҳрум қилиш билан бирга, алтернатив жазо тури сифатида интизомий қисмга жўнатишни назарда тутиш орқали жазо қилмишнинг характерида мувофиқлаштирилиши керак. Чунки, дезертирлик муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан ҳам содир этилиши мумкин бўлиб, уларни интизомий қисмга жўнатган ҳолда жазо тайинлашдан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилиши мумкин.

Шундай қилиб, ЖКнинг 288-модда матни фикримизча, қуйидаги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

“288-модда. Дезертирлик



Дезертирлик, яъни ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига етиб келмаслик —

бир йилгача интизомий қисмга жўнатиш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) қурол ишлатиб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмиш жанговар вазиятда ёки ёки фавқулодда ҳолат шароитида содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят оғир шахсий, оилавий шароит оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда содир этилган бўлса, жазодан озод этилади.”

Бунда Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори [16] “оғир шахсий, оилавий шароит ёки бошқа мушкул аҳвол деганда оғир касаллик, яқин қариндошининг оғир касаллиги ёки вафоти, енгиб бўлмас куч таъсири остида келиб чиққан оқибатлар ёхуд бошқа жиддий оилавий сабаблар, шунингдек, ҳарбий хизматчига нисбатан хизмат жойида содир этилган низомга зид ҳатти-ҳаракат кабиларда ифодаланадиган вазият тушунилади” мазмунидаги тегишли тушунтириш билан тўлдирилиши ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз.

3. ЖКнинг 291-моддасида қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, модда учинчи қисмида қилмишни жанговар вазиятда содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми 10-банди мазмунидан, қоровул хизматини ўташ жанговар вазифа эканлиги англашилади [17]. М.Х. Рустамбаевнинг таъкидлашича, қоровул хизматини ўташ жанговар вазифани бажариш ҳисобланади ва шахсий таркибдан белгиланган қоидаларга аниқ риоя этишни, юқори огоҳликни, вазиятга оид аниқ ечимни ва ташаббусни талаб қилади [18]. Яъни, қоровул хизматини ўташнинг ўзи жанговар вазифа ҳисобланиб, ҳар қандай жанговар вазифа жанговар вазият муҳитидагина бажарилади. Бизнинг назаримизда, жанговар вазият жанговар вазифани бажариш асносида вужудга келувчи ҳолат бўлиб, улар бир-бирини талаб қилувчи тушунчалардир [19]. Шу боис, назаримизда жанговар вазиятда қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш квалификациян белгиси модда учинчи қисмига ортиқча киритилган бўлиб, тавтологик характерга эга ва келгусида чиқариб ташланиши лозим.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бизнингча ишлаб чиқилган таклифлар келгусида:



- жиной нормаларни қўллашда фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи татбиқ этилишини янада кенгайтиришга;
- қонунчиликда мавжуд пробелларни тўлдиришга;
- жавобгарликни белгиловчи нормаларни янада аниқлаштириш орқали ижтимоий хавfli қилмишни тўғри квалификация қилинишини таъминлашга;
- ҳориж мамлакатлари ижобий тажрибасини имплементация қилиш орқали миллий қонунчиликни инсонпарвар нормалар билан тўлдиришга хизмат қилади.

References:

1. Мудофаа тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майдаги 211-II-сон Қонуни (янги таҳрири), <https://lex.uz/docs/108083>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, <https://lex.uz/pdfs/5841063>
3. *Кудинов М. А.* Теоретические и правовые основы уголовной ответственности за преступления против военной службы, совершаемые в военное время и в боевой обстановке: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2004. С. 207.; *Антонов Ю. И.* Об игнорировании принципов равенства и справедливости в статье 337 УК РФ (сквозь призму исторического и социально-психологического аспектов) // Военно-юридический журнал. 2013. № 11. С. 12–14; *Степаненко Н. Е., Лускан В. С.* Вопросы совершенствования уголовно-правовой нормы об ответственности за самовольное оставление места службы // Право в Вооруженных Силах. 2019. № 4. С. 75.
4. Уголовный кодекс Республики Казахстан, утвержден законом от 3 июля 2014 года № 226-V ЗРК, электрон манбага мурожаат санаси: 03.12.2021 й., <https://zakon.uchet.kz/rus/docs>
5. Уголовный кодекс Грузии, утвержден законом от 22 июля 1999 года № 2287-вс, электрон манбага мурожаат санаси: 03.12.2021 й., <http://www.matsne.gov.ge>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси, I бўлим, <https://lex.uz/docs/3735818>
7. Мазкур тизимдаги жиноятларни фавқулодда ҳолат шароитида содир этишнинг оғирлаштирувчи зарурий белги сифатида қонунчиликка киритиш зарурати бўйича қаранг: Юсупов Н.О. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар объектив томонининг вақт (ҳолат) белгиси таҳлили, Academic Research in Educational Sciences, Volume 3, Issue 12, 2022, https://t.me/ares_uz
8. Уголовный кодекс Украины, утвержден законом от 5 апреля 2001 года № 2341-III, электрон манбага мурожаат санаси: 11.07.2022 й., <http://continent-online.com/Document/?docid=30418109#pos=8;-142>
9. Уголовный кодекс Республики Молдова, утвержден законом от 18 апреля 2002 года № 985-XV, электрон манбага мурожаат санаси: 03.07.2022 й., https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=124566&lang=ru



10. Уголовный Кодекс Республики Беларусь, утвержден законом от 9 июля 1999 года № 275-3, электрон манбага мурожаат санаси: 03.12.2021 й., https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb.htm
11. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ, <http://continent-online.com>
12. Уголовный кодекс Российской Федерации, утвержден законом от 13 июня 1996 года № 63-ФЗ, электрон манбага мурожаат санаси: 03.12.2021 й., http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW
13. Уголовный кодекс Республики Армения, утвержден законом от 29 апреля 2003 года № НО-528-N, электрон манбага мурожаат санаси: 06.05.2022 й., <https://www.arlis.am/DocumentView.aspx?DocID=63312>
14. Уголовный Кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574, электрон манбага мурожаат санаси: 03.02.2022 й., <http://continent-online.com>
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси, I бўлим, 3-боб, 3-банди, <https://lex.uz/docs/3735818>
16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори, <https://lex.uz/docs/1449962>
17. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрь ПФ-1571-сон Фармони билан (рус тилида) тасдиқланган, <https://nrm.uz/contentf?doc=140261>
18. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. V том. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018., 351-352 в.
19. Жанговар вазият ва жанговар вазифа тушунчалари бўйича қаранг: Юсупов Н.О. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар объектив томонининг вақт (ҳолат) белгиси таҳлили, Academic Research in Educational Sciences, Volume 3, Issue 12, 2022, https://t.me/ares_uz